

*Шердил ва  
ўтиюрак йигитлар  
миллат кўрки,  
Ватан фахридир.*

Ислом КАРИМОВ




ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2011-yil 12-yanvar, chorshanba № 4 (8341) ISSN 2010-6416

*14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni***БИРИНЧИ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ**

Мамалакатимизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида олиб борилётган ҳарбий ислоҳотлар самараси ўларо, бугун Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлигини, тинчлиги ва хавфсизлигини ҳар қандай хавфдан ҳимоя қула оладиган замонавий, куролланган ихчам ва ҳаракатчан миллӣ армия вужудга келди. Бунда ҳарбий бўлинмани бошқара оладиган юргита садоқатли командирлар, мураккаб тактик вазиятларда тез ва аниқ қарор қабул қила

оладиган, интеллектуал салоҳиятли ва кенг дунёкарашли офицер кадрларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юртларининг ўрни бекиён. Бу борада Ташкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти жамоаси томонидан кўлга киритилётган амалий натижалар, эришилаётган ютуклар эътиборга лойик.

(Давоми 3-бетда.)

**БИОМЕТРИК ПАСПОРТ  
АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШ**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшичма чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармонига мувофиқ мамлакатимизда 2015 йилинг охиригача паспортлаштиришнинг биометрик тизимиға тўлиқ ўтилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хуздидаги давлат персоналлаштириш маркази директори Абдулаттор МАТКАРИМОВ ЎзА мухбирига умумъетифро этилган ҳалқаро стандартларга ҳавоб берадиган ушбу тизимининг афзалликлари, янги ҳужжатларни расмийлаштириш ва янги паспорт бериш жараёни қандай тартибда амалга оширилиши ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти — бу мамлакатимиз ҳудудида ва ташқарисида унинг эгасининг фуқаролиги ва шахснинг тасдиқловчи асосий ҳужжат хисобланади, — дейди А.Маткариков. — Ҳар бир инсон учун бундай паспортга эга бўлиш ва мустақил Ватанинг фуқароси хисобланни

катта шарафдир. Ушбу ҳужжат фуқаронинг ўз мумлакати, ҳалқи тақдирига дахлдорлигининг рамзи ифодаси бўйича, у давлат ҳимоясида эканини кафолатлайди ва зиммасига Ўзбекистон Республикаси фуқароси деган юксак номга муносиб бўлишидек улкан масъулият юклайди.

*Farmon va ijro*

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияtingeng teng ҳуқуқи аъзоси хисобланади ва ўзининг барча ҳалқаро мажбурийларига риоя қилиб келмоқда. 1944 йилда қабул қилинган Ҳалқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси ва Ҳалқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблейсининг 2004 йилдаги резолюциясига мувофиқ ушбу ташкилот таркиби-

га кирувчи давлатларга ҳалқаро ҳаҷарининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида ахборот жамланган электрон чип хамда юқори ҳимоя даражасига эга шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар жорий этилишини таъминлаш тавсия этилган.

— Биометрик паспортларни жорий қилишдан қандай мақсадлар кўзланган?

— Биометрик маълумотларга эга паспортлар ҳалқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтища шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизmlarini takomillashaishi, ҳалқаро авиацияшилар сифати ва са-марадорлигини янада яхшилаш, ушбу транспорт тури хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун имкон қадар кулийликлар яратиш мақсадида жорий этилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

# БИОМЕТРИК ПАСПОРТ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айни пайтда юздан ортиқ мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 23 июнда қабул килинган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ халқаро стандарт ва талабларга жавоб берадиган бундай ҳужжатларни жорий этиш борасида тизими хамда изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 5 январда қабул килинган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириша доир кўшичма чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом ва

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Уларда биометрик паспорт ва ҳужжатларни бериши билан боғлиқ барча жараёнлар кўзда тутилган.

**Биометрик паспортнинг амалдаги паспортдан фарқи нимада?**

Биометрик паспорт одатдаги барча маълумотлардан ташқари, унинг эгаси хақида шахсий биография маълумотлар, рақамли фотосурат ҳамда бармоқлар излари туширилган биометрик параметрларни ўз ичига олган электрон ахборотга эга бўлади. Бундай чипга уч турдаги ҳужжат — Ўзбекистон Республикасида фуқаросининг паспорти, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатларни расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштириша амалга оширилади?

Паспортларни биометрик паспортларга алмаштириш қандай муддатларда амалга оширилади? — Марказ давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 23 июнда қабул килинган фармонига мувофиқ биометрик паспортларни марказлаштирилган холда тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш ва бундай ҳужжат билан фуқароларни ўз вақтида таъминлаш максадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомда кайд этилганидек, персоналлаштириш — бу паспорт бланкига унинг эгаси хақидаги биографик маълумотларни ва биометрик параметрлари кириши демакдир. Марказимиз уч турдаги электрон ҳужжат — Ўзбекистон Республика-

ушбу электрон ҳужжатларнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, улар юқори даражада ҳимояланган бўлиб, чегарадан ўтишда улардан фойдаланиш кулаҳидир. Уларни кўлаш эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатларни расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштириша кўмаклашади.

**Амалдаги паспортларни биометрик паспортларга алмаштириш қандай муддатларда амалга оширилади?**

Паспортларни биометрик паспортларга алмаштирилди. Биринчи босқич — 2011 йил мобайнида биометрик паспорт мамлакатимиз вазирларни, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муйайн ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабаблар-

га кўра паспорт олаётган фуқароларга, 2012-2015 йилгача бўлган иккинчи босқичда эса қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларида бераилади.

**Давлат персоналлаштириш марказининг вазифалари нималардан иборат?**

Марказ давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 23 июнда қабул килинган фармонига мувофиқ биометрик паспортларни марказлаштирилган холда тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш ва бундай ҳужжат билан фуқароларни ўз вақтида таъминлаш максадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомда кайд этилганидек, персоналлаштириш — бу паспорт бланкига унинг эгаси хақидаги биографик маълумотларни ва биометрик параметрлари кириши демакдир. Марказимиз уч турдаги электрон ҳужжат — Ўзбекистон Республика-

си фуқаросининг паспорти, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатларини персоналлаштириди.

Янги паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатларининг бланкалари “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади, марказимизда персоналлаштирилди ва ўз эгаларига ҳужжатларни йигиш пунктларида, яни ички ишлар органларининг хорижга чиқиши келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида топширилди.

Яна бир бор таъқидлаш жоизки, биометрик паспорт мамлакатимизда белгиланган тартибда босқичма-босқич жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти эса 2015 йил охиригача ҳақиқий ҳисобланади.

ЎзА мухабири  
А.ИВАНОВА  
ўзбид олди.

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАГИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни саклаш ва ижтимоий мухофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2010 йил ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2011 йилдаги вазифаларига бағишлиланган ийғилиши бўлиб ўтди.

Ийғилишда комплекс таркиби кирувчи вазирларни идораларда Ўзбекистон Республикаси Президентин томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг, жумладан, 2010 йил учун белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши, ишлаб чиқариши мөдернизиация ва диверсификация килиш, инновация ва инвестиция лойиҳалари нинг ихроси, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини ва экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш масалаларни мухокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишлиланган йигилишдаги маърузларидан белгилаб берилган вазифалар ижро-

сини таъминлаш борасида ишлар белгилаб олindi.

2010 йилда комплекс бўйича жами 2 триллион 260,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарлиб, хизматлар кўрсатиди. Ўсиси суръати 2009 йилга нисбатан 119,1 фоизни ташкил этди. Ахолига 1 триллион 357,2 миллиард сўмлик (114,5 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатиди. Инвестиция дастурига кирилган лойиҳалар бўйича 413,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 194,9 фоизга бажариди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 132,3 фоизни ташкил этди.

Ийғилишда соғлиқни саклаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, “Баркамол авлод ийли” давлат дастuri доирасида болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари, сузиш ҳавзаларининг моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш, спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни ўқув адабиётлари, дарслеклар билан таъминлашни янада яхшилаш, мъянавий тартибот, хорижий тилларни ва ахборот-коммуникация технологияларини ўргатиш борасидаги ишларни такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий хокимлик органдаридан ахборот-коммуникация технологияларни жорий этилишининг ҳолати, коғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг ахволи, “ZiyoNET” ахборот таълим порталини ахборот ва таълим ресурслари билан бойни таш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилиди.

Ийғилишда комплекс таркиби кирувчи вазирларни идораларда Ўзбекистон Республикаси Президентин томонидан кўйилган устувор вазифаларни ижросини амалга ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегиши қарорлар кабул килинди.

(ЎзА)

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва “Истеъодд” жамғармаси ҳамкорлигидаги “Устоз-шогирд” анъанаси: амалиёт, тажриба ва истикబол” мавзууда амалий-услубий семинар ташкил этилди. Унда халқ таълими тизими раҳбарлари, илгор ўқитувчилар ва услубчилар иштирок этди.

## “УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАСИ САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида замонавий мактаблар барпо этилиб, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланди. Ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани ҳолати, оқида оқилона фойдаланишнинг ахволи, “ZiyoNET” ахборот таълим порталини ахборот ва таълим ресурслари билан бойни таш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилиди.

Халқ таълими вазирлиги ва “Истеъодд” жамғармаси ҳамкорлигидаги ўқитувчиларни замонавий педагогика услублари ва технологияларидан хабардор этиш, соҳадаги илгор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Устоз-шогирд» мактаби» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида хозиргача тўрт минг нафарга яқин педагог ўз билим ва маҳоратини мутасили ошириб бориш долзарб аҳамиятга эга.

Халқ таълими вазирлиги ва “Истеъодд” жамғармаси ҳамкорлигидаги ўқитувчиларни замонавий педагогика услублари ва технологияларидан хабардор этиш, соҳадаги илгор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Устоз-шогирд» мактаби» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида хозиргача тўрт минг нафарга яқин педагог ўз билим ва маҳоратини мутасили ошириб бориш долзарб аҳамиятга эга.

Семинарда масофаий таълим доирасини кенгайтириш, ўқув-методик қўйламалар ва маърифий адабиётларни тажрибасидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар мухокама этилди.

Семинарда масофаий таълим доирасини кенгайтириш, ўқув-методик қўйламалар ва маърифий адабиётларни тажрибасидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар мухокама этилди.

Назоказат УСМОНОВА,  
ЎзА мухабири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мана учинчи йилдирки, мазкур таълим маскани 14 январ — Ватан химоячилари кунини кўшалок байрам сифатида нишонлайди. Боиси, ушбу таълим муассасаси Узбекистон Республикаси Муддофаа вазирлиги тизимида олий ҳарбий билим юртлари ўртасида анъанавий ўқазилиб келинаётган «Энг яхши олий ҳарбий билим юрти» танловида бу йил ҳам горлиб бўлди. Тўғриси, ушбу таълим муассасасидан яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, голиблик кўлдан берилмаётганинигъингъасл моҳиятни англаган-дек бўлдик.

Олий ҳарбий таълим маскани бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Улугбек Дўстмутовнинг айтишича, ушбу кўрик-тандов голибини аниқлашда таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, назарий машгулотлар ва амалиёт ўташ жараёни, курсант ва офицерлар учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва жанговар салоҳияти, билим ва малакаси, ўрнатилган ҳарбий тартиб-интизом, курсантларнинг ўқиши, яшаши, спорт билан шугулланishi ҳамда дам олиши учун яратилган имконият ва қулаликлар ҳисобга олиниди.

Ҳамроҳимиз танловнинг ушбу бандлари билим юртида кай даражада бажарилгани билан танишириш мақсадида ўкув биноси томон ўйл бошлади.

### НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИ ҮЙФУНЛАШТИРИБ...

Ўкув биносига кириб келаётган курсант «Галабанинг қалити билимдир» деган шиорга кўзи тушади. Табиийки, уни ҳар сафар кўрганида бўлажак офицер нафақат жисмоний, балки интеллектуал жиҳатдан ҳам етук бўлиш зарур эканлигини чуқур англаши шубҳасиз. Шунингдек, у йўлак бўйлаб деворда ўрнатилган турли давлатлар байройи ва уларнинг куролли кучлари ҳақидаги маъълумотлар билан танишиши мумкин. Бунинг ёрдамида юртимизда замонавий миллий армиянинг нечонли аҳамият касб этишини тушиуди.

— Таълим масканимизда мотоўки бўлинмалар командири, чегара қўшиллар командири, разведка бўлинмалари командири, командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари каби мутахassisliklar бўйича офицерлар тайёрланади. — дейди тарбиявий ишлар бўлими катта офицери, майор Бегзод Исмоилов. — Юкюри салоҳият ва малакали педагоглар жамоаси келгусида уларнинг юкюри малакали ҳарбий кадрлар бўлиб этиши учун астойдил хизмат қилимокда.

Курсантлар уч ҳафта давомида назарий билим оладилар ҳамда ойнинг сўнгига ҳафтичесида олинган билимлар амалий жиҳатдан дала-ўкув майдонидаги шахтамланади.

Шунингдек, ўкув жараёни



## БИРИНЧИ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

ҳарбий хизматчиликнинг шахсий ва гуруҳ таркибида тайёргарлик дараҷаси, интеллектуал салоҳиятини оширишини таъминлашдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошча замонавий усуспаридан, хусусан, илгор педагогик технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда олиб борилади.

«Отиш тайёргарлиги» қафедраси томонидан ўтиладиган дарслар асосан замонавий тренажёллар ёрдамида ташкил этилоқда. Масалан, курсантлар пайдадар жанговар машинасини бошқариш ва унда ўтиш малакасини тренажёрда ӯрганадилар.

— Авваллари курсантлар жанговар машина курол аслаларни ва ўқ-отар куролларни қисмлари тузилишлари ҳамда вазифаларини назарий жиҳатдан ўргангандан сўнг, олган билимларини дала-ўкув машгулотларида мустахкамларди, — дейди отиш тайёргарлиги кафедраси ўқитувчи, майор Бобуржон Ражаббов. — Афуски, барча ўрганувчиларнинг ҳам қобилияtlarни бир хил эмас ва уларнинг барчasi бирдей машгулот учун берилган ўқ-доридан самарали фойдалана олмасди. Билим юртимизга келтирилган янги тренажёллар эса бундай масалаларни ижобий ҳал килишига имкон яратди. Эндиликда қуролдан отиш малакаси ўқ-дори сарфисиз, тренажёр ёрдамида мустахкамлангач, дала-ўкув майдонидаги кутилган самарарага эришилмокда.

Ундан ташкири, жанговор машиналарни ҳайдаш тренажёллари, тог тайёргарлиги кафедрасининг тог тайёргарлиги шаҳарчаси, ҳаво десанти тайёргарлигидан ҳаво десанти шаҳарчаларида шу каби замонавий технологиялар курсантларнинг етук офицер бўлиб этишишларида ўқитувчи-педагогларга катта ёрдам бермокда.

Шунингдек, олий ҳарбий ўкув юртида хорижий тилларни ўқитишига алоҳида ётибор қаратилаётir. Бугунги кунда курсантлар инглиз, немис, француз ва форс тилларини

ҳам чуқур ўрганмоқдалар. Буларнинг барчasi юксак салоҳияти, билимли ва жасур оширерларни тайёрлашда мухим омил бўлаётir.

### ТЎГАРАКЛАРДА — ИККИНЧИ МУТАХАССИСЛИК

Хозирги кунда билим юртида турли ўйналишдаги тўғараплар фаoliyatiga kўrsatmoqda. Улар орасида бўлажак командирларнинг жисмоний тайёргарлигини оширувчи спорт машгулотлари алоҳида ўринга эга. Уларда шугулланувчи курсант-спорчilar Куролли Кучлар тизими ва олий ҳарбий билим юртлари ўртасидаги турли танлов ва спорт мусобакаларида доимо etakchilik kilipli keldadi. Жумладан, ушбу маҳома томонидан Куролли Кучлар тизимида универсал

Куролли Кучлар тизимида ташкил этилган беллашувларда юкюри натижаларни эгаллаб, билим юртимизда фахрли курсантлари қаторидан жой олди.

Ундан ташкири, бу ерда ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳам 10 га яқин тўғараплар мавжуд. Мисол тарикасида яқин йиллarda ташкил этилган тог жангчиси тайёргарлигини олиш ўринчада таъкидлаш ўринники, мазкур тўғарап билим юртимизга «тог тайёргарлиги». Кафедраси қошида очигдан. Ушбу кафедра мазкур ўйналишдаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни амалга оширади.

— Тўғаракда курсантлар гурухи мунгозам равишида ўкув жараёнидан ташкири реха асосида шугулланышади, — дейди тўғарап йўрикчилик лейтенант Зокир Яллакаев. — Унда



жанг, Муддофаа вазирliginинг ҳарбий таълим муассасалари ўртасида ўқазилган I ёзги Олимпиада ва Умумармия ўйнларида эришилган мувafafiyatlari fikrimizning яқвол истиbotidir.

Курсант Барҳаёт Исматуллаев ана шундай ютуқларга ўз ҳиссасини кўшиб келаётganlardan. У 2010 йилда Куролли Кучлар тизимида ўқазилган бокс бўйича мусобакада 2-ўринни кўлга киритdi. Шунингдек, Ойбек Холиков, Илҳом Бадалов ҳам Муддофаа вазирliги ҳарбий қисмлari ўртасида иккича йилда бир марта ўқазиладиган кўрик-тандовда биринchi ўринни эгаллашdi.

Ушбу тўғарап катнашчilari 2009-2010 ўкув юйлида Муддофаа вазирliги ҳарбий қисмлari ўртасида иккича йилда бир марта ўқазиладиган кўрик-тандovda бирinchi ўrinini egallashdi.

### ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ КЎРИБ КЎЗИНГИЗ КУВНАЙДИ

Ҳарбий билим юртида таълим олаётган курсантларнинг турар жойи ўз уйидек бўлиб қолади. Кишининг яшаш шароити яхши бўлиши, шубҳасиз, унинг келгуси кун фолиотига ижобий таъсир кўсатади. Айниска, кун давомида хисмоний ва ақлий машқлар бажариб чарчаган курсант учун бу жуда мухим, албатта. Бу борада билим юртида яратилган шарт-шароитларни кўриб кўзингиз қувнайди. З-курсантлар батальонига кириб борарканмиз, у ерда ҳарбийчасига ўрнатилган тартиб-интизом ва озодалик хўжум сурарди. Xона икки кишига мўлжалланган. Курсант шафафида ҳарбий хаёти учун зарур бўлган барча нарсалар — сафар қопаридан тортиб, китоб-дафтарига тартиб билан жойлаштирилган. Ҳар икки хона олдида ювиниш жойлари мавжуд. Ҳар бир бурчакда хона гуллари яшина турди. Руҳшуносларнинг таъқидлашicha, бу каби гўзалик вишилларни ёзади. Залларга кўйилган аквариумдаги турли-туман балиқлар ҳам мияни тинчлантиришига хизмат қиласди.

— Курсант тураржойда шунчаки кун кечирмайди, — дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Зиёд Ҳакимов, — у ўз каватидаги дам олиш хонасида ўртоқлари билан стол тенниси, шахмат-шашка ўйнлари ўйнаши, ижтимоий-сийёсий аҳборот хонасида матбуот ёки телевидениени кузатиб бориши, майший хизмат кўрсатиш хонасида соч одириши, эртаги кунга кийимларни тайёрлаш учун дазмоллаши ҳамда ҳарбий пойафзалини таъмилаш мумкин. Бунинг учун барча асоб-ускуналар мухайё. Шунингдек, табиятга кизиқувчilar жонли бурчакдаги турли қушларни парвариш килишлари мумкин.

Этиబорлиси, тураржойда курсантлар томонидан қадриятлар бурчаги ташкил этилган бўлиб, миллийликни ако эттирувчи турли сопол буюмлари, ҳайкалчалар ва чол асобблар каби ашёлар уларга униси тарихобидан қўзатиб бориши, майший хизмат кўрсатиш хонасида соч одириши, эртаги кунга кийимларни тайёрлаш учун дазмоллаши ҳамда ҳарбий пойафзалини таъмилаш мумкин. Бунинг учун барча асоб-ускуналар мухайё. Шунингдек, табиятга кизиқувчilar жонли бурчакдаги турли қушларни парвариш килишлари мумкин.

### ҒАЛАБА КАЛИТИ БИЛИМ ВА ИНТИЛИШДА

Бўлажак офицер китоб билан ошно тутинас, экан, нафакат ўз соҳасининг замонавий билимлар, балки миллий давлатчиликда мухим ўрин тутган ҳарбий сийёсат тарихидан бехабар қолади. Шунингдек, у мамлакатда содир бўлаётган изчили ўзгаришларни тўғри таҳлил қилолмайди. Бугун ҳаётнинг ўзи командирлардан ҳарбий салоҳияти, шу билан бирга интеллектуал, маънан бой бўлишини талаб қилмокда. Бу борада бўлажак офицерларнинг энг катта ёрдамичи китоб ва кутубхона (АРМ)-бўлади.

(Давоми 16-бетда.)

**НАВОЙ ШАХРИДАГИ 8-МАКТАБДА «ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР БÜЛЛИB ЎТДИ.**

Унда шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари, махалла фаоллари ва умумтаълим мактабарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирок этди. Дастрраб мактабда фаолият кўрсатадиган тўғрак аъзоларининг ишлари кўргазма тарзида намойиш этилди. «Комил инсон гояси» мавзусидаги давра сухбатида эртаниги кунга ишонч билан интилағдан ёшлар келажаги ва таълим-тарбияси тўғрисида сўз борди.

«Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори — биз ёшлар», «Мустақиллик — ўзбек халқининг азалий орзуси» мавзуларидаги очик дарслар, «Ватан, жондан азиссан!» шиори остидаги тарбиявий соат, «Биз — баркамол авлодмиз» маънавий-маърифий тадбирни иштирокчиларда катта таасурот колдири.

Семинар доирасида ўқувчи-ёшларни жамиятнинг онгли ва фаол аъзоси бўлишига даъват этувчи фикр-мулоҳазалар, ибратли шабабулар хусусида сўз борди.

Раъно РАББИМОВА  
Навоий вилояти

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БУШ ВАКТИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ ВА КИШИ ТАЪТИЛНИ МАРОҚЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛAR САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ СПОРТ, ТЕХНИК ВА БАДИЙ ТЎГРАКЛАРГА ЖАЛЬ ЭТИШ МАҚСАДИДА МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ 112-МАКТАБДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БҮЛЛИB ЎТДИ.**

Икки кунлик семинар давомида иштирокчилар гурухларга ажратилиб, улар учун маҳсус хоналарда туманда жойлашган мусиқа мактаблари, спорт мажмулари, болалар ва ўсмилар спорт мактаблари ҳамда ўқувчилар иходиёт маркази ўз тақдимотларини ўтказди. Шунингдек, барча қатнашчилар учун психолого-мутахассислар иштирокида «Ким бўлсан экан?», «Замонавий ўқувчининг киёфаси» мавзуларida давра сухбати ҳам уюштирилиб, гиёхвандларнинг надоматли қисмати акоэ этган маҳсус фильм намойиш этилди.

Семинар давомида ўқувчилар «Умид ниҳолари» шиори остида спортивнинг шахмат, шашка, стол тениси, арқон тортиши ва бошқа турларидаги кизғин баҳсолашган бўлса, таникли актриса Я.Абдуллаева, эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров ҳамда бир гурӯҳ ёш эстрада хонандалари билан ташкиллаштирилган иходий учрашувлар уларни эркин мунозараларга чорлади. Мустақиллик майдонига уюштирилган саёҳат эса ёшлар қалбида бир умрлик ёрқин хотира бўлиб қолади.

Семинарнинг ёпилиш маросимида ҳар бир болага совфа-саломлар улашилди.

Дилшод КАРИМОВ

Хурматли ҳамкаслар!

Ҳаётимиз китобидан яна бир саҳифа ортда колди. 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни мөдернизация қилиш, ҳалқимизнинг турмуш фаронсонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютукларга эришилди. «Баркамол авлод йили» давлат дастури

доирасида ёшларни жисмонан ва маънан соглом, давр талабига мос интеллектуал билим ва қасбга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қартилган саломокли ва хайрли ишлар қилинди.

Ҳалқимизнинг эришаётган бу ютуклари, олижоноб мақсад ва саъӣ-ҳаракатларини кенг ёртишиб да оммавий ахборот воситаарларида фаолият кўрсатадиган сиз, журналистларнинг хизматларини катта.

Азиз ҳамкаслар, Ўзбекистон Журналистлари иходий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловида қатна-

шишга таклиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июндан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журнallarda, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари иходий уюшмасининг Кораллопостон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Иходий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефоны, манзили ҳақидаги



**НАМАНГАН ТУМАНИДАГИ 8-, 7-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ УЧИНЧИ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЧОРАГИ АҶЛО КАЙФИЯТ БИЛАН БОШЛАНДИ. САБАБИ, БУ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ КИШКИ ТАЪТИЛ ДАВРИДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШДИ.**

Жумладан, Шўркўрон қишлоғидаги «Истиқол» музейида бўлиб ўтган учрашув «Шоирлар — болаларга» шиори остида ташкил этилиб, Тўхтаон Раҳимова, Ўғилхон Каҳхорова каби ижодкорлар ўз шеърларини болажонлар ҳукмига ҳавола этилди. Мактаб ўқувчиларининг ёддан айтган шеърлари меҳмонларга манзур бўлди.

— Мактаб ўқувчилари билан «Истиқол» музейида учрашув уюштириш — айни муддао, — дейди маҳалла фаолларидан бири Мирзакарим Раҳимов. — Мустақил ҳаётга тайёрлаштирилган фарзандларимиз бу музейга тез-тез келиб туришади. Бу галги учрашув ҳам уларга маънавий озуқа багишилади.

МУХБИРИМИЗ

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАЗИ МА ТЕАТРИГА ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 325 НАФАР ЎҚУВЧИСИ ТАШРИФ БУЮРДИ.**

Ўқувчилар «Марварид» мусика ва ракс ансамбли иштирокчиларининг бадий чиқишиларини зўр иштиёқ билан томоша қилиши.

Шундан сўнг «Корбобони кутқаринг» номли спектакл намойиши бошланди. Ялмоғиз кампир, қароқчилар, Корбобо ва Қорқизнинг чиқишилари ўқувчилар дикқатини ўзига тортди.

Малика САИДОВА,  
Ҳалқ таълими вазирилиги тасаррufидagi  
хорижий тилларга ихтинослаштирилган  
мактаб ўқитувчиси

**ТАЪТИЛ — МАЪНАВИЙ ҲОРДИК ЧИҚАРИШ ВА ЯНГИ ЎКИШ, ИЗЛАНИШЛАРГА КУЧ ТЎПЛАШ ИМКОНИЯТИ. ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ БАХМАЛ ТУМАН БИРЛАШГАН КАСABA УЮШМАСИ КЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН БУ ИМКОНИЯТДАН ЎҚУВЧИЛАР ҚАТОРИ ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАМ БАҲРАМАНД БЎЛДИ.**

— Кишики таътил кунларини мароқли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида эл хурматидаги узот-мураббийларни пойттахтимиз — Тошкент шаҳрига саёҳатга олиб келдик, — дейди туман бирлашганди касаба уюшма кўмитаси раиси Баҳридин Яхшиликов. — Шу мақсадда тумандаги мавжуд 77та мактабдан 40 нафар ўз касбининг жонкуярларини танлаб олдик. Улар орасида хукуматимиз томонидан таъсис этилган орден ва унвон соҳиблари, турли кўрик-танлов ғолиблари ҳамда хизмати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган фидойи ўқитувчилар бор.

— Жамоа билан сайру-саёҳатнинг завқи ўзгача, — дейди тумандаги 9-мактаб ўқитувчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Йўлдош Каримов. — Икки кунлик саёҳат давомида азим шаҳарнинг бетакрор манзараларини томоша қилдик, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Саёҳат Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини янада аланталатди.

МУХБИРИМИЗ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ШАҲАР ХОТИН-КИЗЛАР КЎМИТАСИ ВА БИР ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ПОЙТАХТИМIZДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАН ЬШЛАР УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Шундай тадбирлардан бири Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги касб-хунар коллежида бўлиб ўтди ва унда Ҳамза туманидаги вояга етмаган ўғил-қизлар, умумий ўрта таълим мактаблари ва коллеж ўқувчилари, ҳукукшонслар, психологлар, илғор ўқитувчилар ва маънавият тарбиботчилари тақлиф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукукбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамияти ёшларга интерфаол усуулларда тушунирилди.

Семинар-тренинглар доирасида ўқувчилар иходиёт марказлари тўғраклари фаолиятига бағишлиган бадий кўргазмалар, спорт мусобақалари, концертлар, музейлар, театрлар, маънавият ва маърифат масканлари ҳамда ёшлар иход саройига саёҳатлар ташкил этилди.

маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

“Йилнинг энг фаол журналисти – 2010” танлови гоҳлабири ва совирнорларига диплом ҳамда кимматбахо совғалар. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлиб 27 июнда ўтказилидаган байрам тадбирда топширилади. Тақдириланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар “Йилнинг энг фаол журналисти – 2010” танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 30-йи.  
Ўзбекистон Журналистлари  
ижодий уюшмаси  
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар  
Телефонлар: 244-64-61; 244-  
64-62; 244-37-87.  
E-mail. ijod@sarkor.uz

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

### “Йилнинг энг фаол журналисти – 2010” танловига марҳамат!

Хурматли ҳамкаслар!  
Ҳаётимиз китобидан яна бир саҳифа ортда колди. 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни мөдернизация қилиш, ҳалқимизнинг турмуш фаронсонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютукларга эришилди. “Баркамол авлод йили” давлат дастури

шишга таклиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июндан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журнallarda, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Кораллопостон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Иходий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефоны, манзили ҳақидаги

# ФИЗИКА ВА ИКТИСОДИЁТ

Турли соҳаларга оид замонавий билим ва тажрибани таъла-ёшларга етказиб беришда илғор инновацион технологиялар, фандаги эришилган ютуклар ва янгиликлардан унумли фойдаланиш пировардидаги малакали етку кадрлар тайёрлаш имкониятини кенгайтиради. 2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» муносабати билан фидойи муаллифларимиз – физика-математика фанлари доктори, профессор О.Кувондиқов, иктисод фанлари номзоди, доцент Ш.Кувондиқов физика ва иктисодиёт мавзусини ёритиш асосида қатор тақлифларни ўргага ташлаган.

## 2011-yil – Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yili

Нима учун бугунги кунда физиклар иктисодиёт билан шуғулланмоқда? Сирасини айтганда, сўнгига йилларда рўй берадиган воқеалар жуда кўп профессионал иктисодчилар учун кутилмаган нахжаларни олиб келди. Бунинг сабаби жамият ва иктисодиётда рўй берадиган мураккаб жараёнларнинг келиб чиқишини тушунириш табиий фанлар тилида амалга оширилмоқда.

Кувонарлиси, ҳозирги кунда барча олимлар кўллаб фан вакиллари билан мулокот қилишга уринган ҳолда турли хил фанлар чегарасида ётубчи умумийликни изламоқда.



Маълумки, иктисодиёт ҳам, жамият ҳам ривожланувчи динамик система. Жамият иктисодиётининг ривожланиши – бу қонуний йўналтирилган, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши билан муносабатларнинг сифат жиҳатдан ўзгариш формасидир.

Ривожланиш назарияси иктисодиётининг ўзгариши сифатини хисобга олади. Иктисодиёт, жумладан, товар-пул хўжалиги динамик система хисобланади. Динамика системалар ҳолат тенгламалар орқали характерланади. Товар пул хўжалигининг асосий характеристикалари энг содда ҳолда молекуляр физикада ва термодинамикадаги Менделеев-Клапейрон тенгламасига айнан ўхшаш бўлади:

$$PV=MT \quad (1)$$

Бу ерда  $P$  – товар баҳосининг дарражаси;  $V$  – сотиша чиқарилган товар ҳамми;  $M$  – мумоалада пул миқдори (масса);  $T$  – пулнинг айланыш тезлиги. Бу тенгламани реал хўжаликка тўла кўллаб бўлмайди. Бу ҳолда реал газ учун Ван дер Ваальс тенгламасига ўхшаш тенглама пайдо бўлади:

$$\left( P + \frac{a}{V^2} \right) (V - b) = MT \quad (2)$$

Бу ерда  $\frac{a}{V^2}$  – товар бирлиги баҳосининг тўлнимаган қисми, а в реал товар пул хўжалигига тегишли бўлган тузатмаларидир.

Бундай мисолларни жуда кўплаб кеттириш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда физика қонунларини иктисодиётда кўллашга бағишланган янги йўналиш – физик-иктисодиёт пайдо бўлди. Линден Ларуш “Физическая экономика как платоновская эпистемологическая основа отраслей человеческого знания” (Москва, 1997 г.), Д.С.Контров, Н. Михайлов “Основы физической экономики” (Москва, 1999 г.) китобларини чоп этди. Бу китобларда физиканинг иктисодиётда кўлланилиши бўйича жуда кўп материаллар бор. Бу фан билан шуғулланувчилар йилдан-йилга ортиб, интернет сайтида “Бозор физикаси” бўйича минглаб ишлар берилган. Москвада чиқадиган Россия фанлар академисининг “Вопросы экономики” журнали табиий-ilmий фанларнинг иктисодиётда кўлланилиши бўйича маҳсус бўлим ташкил қилди. 2008 йили Польша (Познан шаҳрида физик иктисод бўйича халқаро конференция ўтказилди.

Нобель мукофоти совриндори Маррис Алле Женевадаги Халқаро иктисодий тараққиётлар институтида ўқиган маъруzasida “Иктисодиёт ўзининг услубларига математика, физика ва комп’ютер методларини татбиқ этгани туфайли ҳақиқий фанга айланганини айтиб ўтади. Бундай интеграциялашув ижобий жараёнларни юзага келтирди.

Хозир жаҳоннинг етакчи университетлари физик-иктисодиёт бўйича мутахassislar тайёрламоқда. Битириувчиларга ва уларга бўлган эҳтиёж, иктисодиёт ва банк академиялари битириувчиларига бўлган талабдан юқори даражада ошиб кетаёттанилиги кузатилмоқда. Бундан ўзаро ўйғунашиб бораётган бир даврда иктисодчи-мутахassislar учун физика қончалик зарур эканлигини аংглаш мумкин.

**О.КУВОНДИҚОВ,**  
физика-математика фанлари  
доктори, профессор,  
**Ш.КУВОНДИҚОВ,**  
иктисод фанлари номзоди, доцент

## Термодинамик ва иктисодий катталиклар ўртасида ўхшашлик

Термодинамик тизим			Иктисодий тизим		
Физик катталик номи	Белгиси	Ўлчами	Иктисодий катталик номи	Белгиси	Ўлчами
Механик иш	A	Жоул	Асосий ресурс	M	Пул
Энергия	E	Жоул	Ресурс заҳираси	N,M	Пул
Температура	T	Градус	Ресурсни баҳолаш	P	Пул/дона

Қаттиқ жисмлар физикаси билан бозор иктисодиётни тушунчаларни ўртасида ўхшашлик 2- ва 3-жадвалларда кўрсатилган.


2-жадвал

## Физик ва иктисодий тушунчалар ўртасида ўхшашлик

Белги-лар	Физик катталик	Иктисодий катталик
$N_e^+$	Спини "паст"га йўналган электронлар	Пул
$N_e^-$	Спини "юқори"га йўналган электронлар	Товар (акция ёки валюта)
$N_a$	Спини "паст"га йўналган атомлар	Харидорлар
$N_t$	Спини "юқори"га йўналган атомлар	Сотувчилар
J	Алмашиб	Ликвидлик (товар алмашиб)
W	Тартиблизик	Волатиллик (хаос)
$\delta$	Тешиклар концентрацияси	Бозорнинг сийракланиши
$n$	Электронлар концентрацияси	Бозор ресурсларининг концентрацияси
A	Антиферромагнетик	Турғун (стабил) бозор
F	Тўйинган ферромагнетик	Турғун бўлмаган бозор
SF	Тўйинган ферримагнетик	Реал бозорнинг бўлмаслиги

3-жадвал

## Молия бозори билан қаттиқ жисм объектлари ва субъектлари ўртасидаги ўхшашлик





— Ҳалойик, — деди Бўри полвон, — манави икки полвон даврага гаплашиб чиқиби экан. Бироримиз астагина йиқилиб, олган кўйни сўйиб еймиз, деб келишибидар. А? Буни менга айроқчиликлар етказди. Қола берса, олишлариям кўрсатиб турибди. Ҳалойик, мен буларниям даврадан бадарға киламан!

— У-у, ола желак, ундан кўра бўйининг тўрва осиб тиланчиклар кил! — Кўй ейсан-а, кўй ейсан, заҳаримни!

Полвонлар курдан бош этиб, куруқ чиқиб кетди.

(Тоғай Муроднинг «Олдузлар мангу ёнади» киссасидан).

түчви бундай лавҳалар романда бисер.

Дархакиқат, «тарбия» деб аталиши азалий муаммо ҳамиша ва ҳар қачон инсониятни, айника, ҳалқимизни кизиттириб келади. Комил фарзандни вояга етказиш — шта-оналар учун азалий орзу. Оиласда фарзанд — ўғидлар, қизидар дунёга келган дастлабки кунлардан ҳар бир жуфларига «Кўча-кўйда оғир сўмкаси бор қарилларга ёрдам бериб юбориш керак. Кимдир йиқилиб қолоса, ўриндан тургизиб юборинглар» дега панд-насиҳат килганини эслади. Демак, ўйтлари изисиз кетмабди.

ҳам секин юрар экан, то уйига этиб боргунимизча иккя соат ўтди. Мени меҳмон ҳам қиммоқчи бўлди, аммо сизларни хавотирга кўймайин, деб югурб қайдит.

— Кампиринг ҳожатини чиқарип, савоб иси килибсан, болаш — деб уни алқади она ва фарзандларига «Кўча-кўйда оғир сўмкаси бор қарилларга ёрдам бериб юбориш керак. Кимдир йиқилиб қолоса, ўриндан тургизиб юборинглар» дега панд-насиҳат килганини эслади. Демак, ўйтлари изисиз кетмабди.

### Онасини кўриб, Кизини ол

(Иккинчи воқеа)

Барча оила аъзолари ишга, ўқишига кетишга, ўтган хафта тўйи бўлган Хумора аввал хоналарни супуриб-сидириб, сарланомлаб чиқди. Чойшаб ва-

тукказмоқчи. У кўп йилдан бери ана шу тажрибага таянди, айрим мавзулардаги тарбиявий соатлар алоҳида ўтилгани маъқул. Бугунги тарбиявий машгулот — «Ўғил бола одоби». 11 нафар ўқувчи муаллимага кўз тиккан, биринчи синфдан бошлаб ўқиттагетани учун Дилфузага улар ўз фарзандидек бўйл қолган. Кизларга қаранганд тортинчок, ҳафсаласизроқ, билганини ҳам айтишига журъат этавмердиган бу болаларни ҳақиқий йигит килиб тарбиялаш лозим.

— Ўғил бола ҳандай хислатларга эга бўлиши керак, шу њакда ўйлаб кўрганимисиз?

Болалар муаллиманинг саволига жавоб қайтаришиди:

— Мард, жасур, кўркмас, соглом.

— Катталар иш буюргандан бажариши лозим.

— Яна, аъло ва яхши баҳорларга ўқиш керакми? — муал-

### Tarbiya—saodat



лими ходими, Тошкент давлат иқтисадиёт университетите қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумталим мактаби ўқитувчи:

— Тажрибада кузатиладики, фанларга қўзиқиши, чукур билим эгаллаш, уйга берилган вазифани бажариш, синфдан ташқари тадбирларни уюштиришда ўғил болаларга қаранганд қизлар фаолроқ. Билим эгаллаш бобида улар 7-синфга қадар лидерлик килиши мумкин, аммо 7-синфдан кейин «байрок» ўғил болалар кўлига ўтади. Бу уларнинг мустакил ҳаётга тайёрларини шу даврда англаб етишидан бўлса керак. 13-14 ўзрасида ўқувчилар организмидаги турли физиологик ўзгаришлар содир бўлиши туфай-

# ЎФИЛ ВА ҚИЗ БОЛА ТАРБИЯСИ

## бунда фарқли жиҳатлар борлиги кузатилади



зифа бўлиб қолмай, бу — давлатимизнинг, қолавермағанидан хавотирланган она бетоқат. Дўёнда нон қолмаганимкан? Боласи тушмагар футболга ўч, нонни бир чеккага кўйиб, тўл тепаётган бўлмасин. Она дера-зашан ўзин майдонасига назар ташлаб, Шерзодни кўрмади. Кўчага чиқди, ўйга кирди, ҳаттоқи сабри чидамай учналик узоқ бўлмаган дўкон атрофарини ҳам кузатиб қайдит, зумрача сеч кеёнди.

### ОИЛАДА

(Биринчи воқеа)

Хожатбарорлик

Ўғли ҳадеб келавермaganнидан хавотирланган она бетоқат. Дўёнда нон қолмаганимкан? Боласи тушмагар футболга ўч, нонни бир чеккага кўйиб, тўл тепаётган бўлмасин. Она дера-зашан ўзин майдонасига назар ташлаб, Шерзодни кўрмади. Кўчага чиқди, ўйга кирди, ҳаттоқи сабри чидамай учналик узоқ бўлмаган дўкон атрофарини ҳам кузатиб қайдит, зумрача сеч кеёнди.

Куз кунлари кисқа, кўш бирпаста ўғфа бош кўяди. Иккичи сменада ўқидигандан кизи Чарос мактабдан, турмуш ўртоғи ишдан қайтса ҳамки, Шерзоддан дарак ўйк. Энди хавотирга тушувчилар сони

кўпайди.

— Икки соатча бўлди-я, аҳоми бора қаेरя кетди экан? — деб она ич-этини яя бошлади.

— Юргандир-да, ўғил бола аҳир, ўртоклари билан компютерга киргандир, — уни тинчлантирган бўлди эри.

Соат саккизга яқинлашиди, оббо, нима килиш керак? Она, ота, киз кўчага чиқиб олишиди, аммо улар Шерзодни қаердан излашларини билмади. Шундай бўлса-да, учаласи уч томонга — она-маҳалла томонга, ота интернет-кафега, киз эса дўконга қараб одимлашибди.

— Ойи, мен боряпмай!

Ўғлининг овози! Онаизор маҳаллалини кечириди-да, онасидан илгарироқ гўёки, айвон тоқусидан бир нарса оладиргандек бўлиб, ўзига термулиб турған Отабекка ер остидан секингирина бир кулиб боқди ва тоқчадаги кераксиз бўлған бир пиёланни олиб, яна ўйга кириб кетди.

(Абдулла Кодирийнинг «Ўткан кунлар» романидан).

лима бу савонли бежиз бермади. Ўғил ўқувчиларидан иккя нафари аълочи, қанийди, колгандарни ҳам қизлар сингари фаол, билимдон бўлса.

— Яхши ўқимаган болани нафакат ўқитувчилар, балки синфдош қизларни хурмат кильмаслигини унутманг. Кийимингиз тоза, ўзингиз орастга бўлишингиз лозим. Сочиниз таразмаган, тирноғингиз ўстган, туфлингиз чанг бўлса, хеч кимга ёқмайсиз. Тўғри таъкидларидан, ўғил бола мард ва жасур,

ишдан бўйин толмайдиган, ота-онасини, ўзида катталарни, хотин-қизларни хурмат киладиган бўлса, демак, унинг тарбияси шунчалик мумкаман. Мана, Сардорни ҳамманинг биласис, ўши ҳам, одоби ҳам ҳавас қиларни даражада. Унга ким қандай таъриф беради?

— Аълочи!  
— Одоби!

— Сахай!

— Дарс қолдиришни ёмон кўради.

— Ҳаммага бирдек мумомалада бўлади.

Сардорга яна бир талай таърифлар берилди. Ана шу мактобларига муносаби ўқувчи Сардор хижолат бўлгандек бошина этиб олган эди.

Келаси ҳафтада эса фаолиятидан хикоя қилаётганимиз — Тошкент шаҳридаги 61-умумталим мактабини бошлиғинич синф ўқитувчиси Дилфуз Абсаломова «Қиз бола одоби» мавзусини ўтишини реjalashitirgan.

**Статистик маълумот.** Ҳалтавилимни вазирлигининг интернетдаги сайтида кайд килинишча, республика мактабати ўқувчиларининг жами сони 4 миллион 895 631 нафарни ташкил этиди. Шундан 49 фоизи 51 фоизи ўғил бола-

ларидан. Чарчаб қолмадингизми, болам. Бир ўзингиз шунча ишни энгалисиз, барака топинг, онангиз сарнажом-сарнешта аёл эланлиги ҳақида келинингизни олган газизда. Онасини кўриб кизини ол, деганларни тўғри экан. Баҳтлинига разм солади, ўзига жуфт танлашда адашмаган экан. Хурсандлигидан дилидагини таъкидига кўриди.

— Чарчаб қолмадингизми, болам. Бир ўзингиз шунча ишни энгалисиз, барака топинг, онангиз сарнажом-сарнешта аёл эланлиги ҳақида келинингизни олган газизда. Онасини кўриб кизини ол, деганларни тўғри экан. Баҳтлинига разм солади, ўзига жуфт танлашда адашмаган экан. Хурсандлигидан дилидагини таъкидига кўриди.

— Чарчаб қолмадингизми, болам. Бир ўзингиз шунча ишни энгалисиз, барака топинг, онангиз сарнажом-сарнешта аёл эланлиги ҳақида келинингизни олган газизда. Онасини кўриб кизини ол, деганларни тўғри экан. Баҳтлинига разм солади, ўзига жуфт танлашда адашмаган экан. Хурсандлигидан дилидагини таъкидига кўриди.

— Чарчаб қолмадингизми, болам. Бир ўзингиз шунча ишни энгалисиз, барака топинг, онангиз сарнажом-сарнешта аёл эланлиги ҳақида келинингизни олган газизда. Онасини кўриб кизини ол, деганларни тўғри экан. Баҳтлинига разм солади, ўзига жуфт танлашда адашмаган экан. Хурсандлигидан дилидагини таъкидига кўриди.

**Мирзоғизил Мирзаҳмедов.** Ўзбекистон Республикасида

хизмат кўрсатган ҳалтави

таъкидига кўриди.

— Ўғил бола, хоҳ қиз бола бўлсин, ижобий томонга ўзгара бошлади.

(Давоми 10-бетда.)

Иктибосга шарҳ. Романдан келтирилган бу эпизодда ўзбек халқи ҳаётининг ажралмас кисмиси хисобланган қиз бола тарбиясида устун турувчи ҳаёт тушучасини қадрлашга ишора бор. Адаб демоқчи, Кумушбibi онасининг ўзи ўнгидаги кечаси ўзига келишибидар. Шерзод, сенмисан болам, қолиб кетдинг, сенинг чиқармашини келишибидар. Ҳалойик, мен буларниям даврадан бадарға киламан!

— У-у, ола желак, ундан кўра бўйининг тўрва осиб тиланчиклар кил!

— Кўй ейсан-а, кўй ейсан, заҳаримни!

Полвонлар курдан бош этиб, куруқ чиқиб кетди.

(Тоғай Муроднинг «Олдузлар мангу ёнади» киссасидан).





# KALIY VA MAGNIY:

## XOSSALAR O'XSHASH, FARQ NIMADA?

**Kimyo — sirli fan.** Turli moddalarining kimyoviy tarkibi, laboratoriya tajribalari, innovatsion pedagogik texnologiyalarning to'g'ri va o'rini qo'llanishi o'quvchilarning ushu fanga qiziqishini yanada orttirishi tayin. Shu maqsadda ayni damda darslarni noan'anaviy usulda tashkil etishiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ana shunday noan'anaviy usulda biri — Venn diagrammasidan foydalaniib mavzuni tushuntirish o'quvchilar uchun ham qiziqarli, ham yodda qolarli bo'adi. Quyidagi bir soatlik dars ishlamasida ana shu interfaol usuldan foydalilanigan.

**9-sinf, II chorak,  
32-dars**

**Mavzu: Kaliy va magniy xossalari o'rganamiz.**

**Dars maqsadlari:**

**ta'limiylari:** o'quvchilarga Mendeleyev davriy sistemasi 2-guruh tarkibiga kiruvchi metallar haqida ma'lumot berish, ularga kaliy va magniy elementlarining xossalari hamda ushu moddalarining inson organizmida qanday ahamiyatga ega ekanligini tushuntirish;

**rivojlantruvchi:** O'quvchilar ongida ushu elementlarining tabiatda, xususan, inson organizmida tutgan o'rni va ahamiyati haqida tushuncha berish, kaliy va magniy moddalar bilan bog'liq laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazish bo'yicha ko'nkmalar hosil qilish;

**ta'limiylari:** o'quvchilar bilan jamaoviy ishlash, ularni o'zaro do'stona munosabatda bo'lish, qiyinchiliklarni birlashtirishda hal qilishga o'rgatish.

**Jihozlar:** Mg kukuni yoki lentasi, S kukuni, Ca — kerosin ostida, H<sub>2</sub>O, HCl, 6ta A-4 formatli qog'oz, marker, skoch, Venn diagrammasi.

**Darsning borishi:**

1. O'qituvchi o'tilgan mavzu yuzasidan uy vazifasini savol-javob orqali tekshiradi (7 daqqaq).

II. Yangi mavzu e'lon qilinadi: bugun biz inson organizmining asosiy tayanchi bo'lgan suyak tarkibidagi kaliy va qon tarkibidagi magniy elementlarining xossalari, ularning o'xshash jihatlarini o'rganamiz. Buning uchun siz turli adabiyotlardan foydalabin, kichik ilmiy ish qilishning kerak. Keling, 6 guruhga bo'lingan holda vazifalarni bajaramiz.

O'qituvchi guruhlarga savollni kartochkalarni tarqatadi.

**1-guruh:** — Ca va Mg elementlarining davriy sistemada joylashgan o'rnidagi o'xshashliklarni toping.

**2-guruh:** — Ca va Mg ning fizik xossalardagi o'xshashliklarni toping.

**3-guruh:** — Ca va Mg ning kimyoviy xossalarda qanday o'xshashliklar mavjud?


**4-guruh:** — Ca va Mg qanday usullar orqali olinadi, ularning o'xshashliklarni nimada?

**5-guruh:** — Ca va Mg ning inson organizmi uchun ahamiyati qanday?

**6-guruh:** — Ca va Mg qanday maqsadlarda ishlataladi?

**III.Taqdimot (12 daqqaq).**

Bunda olti guruh a'zolari o'zlarini tayyorlagan javoblarini Venn diagrammasi asosida taqdim



etishadi. Doskaga Venn diagrammasi chizilib, 1, 2, 3, 4-guruhlarining javoblari yozildi. O'qituvchi o'quvchilar ishlashda qidiruvchida qilindi.

**Muhokama**  
**O'qituvchi:** — O'quvchilar, Ca va Mg elementlarini xossalari o'rganish jarayonida ulardagi ko'plab o'xshashliklarni kuzatish mumkin. Buni siz bergan ma'lumotlar ham isbotlab turibdi. Demak, har ikkala elementning o'xshashliklarni quyidagicha tushuntirish mumkin:

(Venn diagrammasi orqali Ca va Mg elementlarining o'xshashliklarni tushuntirish).

1. Ca va Mg elementlarining davriy sistemadagi o'rni va atomlarining tuzilishi. Ca va Mg elementlarining davriy sistemada

2-guruhning asosiy elementlari hisoblanadi. Eng sirtqi qavatidagi elektronlar soni 2ta bo'lib, ikkisi ham S orbitada joylashgan. Ca va Mg elementlarining oksidlanish darajasi +2 hamda valentligi ham 2ga teng.

2. Fizik xossalari. Ca va Mg ning fizik xossalari bir-biriga yaqin. Ca va Mg kumushsimon, oq rangli, yengil. Mg, =1.74,

Ca, =1.55 metal S+. Ca 851, Mg 651. Ikkalasi ham ishqoriy yeri metali.

3. Kimyoviy xossalari. Mg havoda oksid pardasi bilan qoplangan sababli reaksiyaga kirishi ancha sekin. Ca esa qaytaruvchi xususiyatga ega. Lekin ikkalasi ham bir xil moddalar bilan reaksiyaga kirishadi.

Mg+Cl	Ca+Cl
Mg+	Ca+
HCl	HCl
Mg+H <sub>2</sub> O	Ca+H <sub>2</sub> O
Mg+H <sub>2</sub>	Ca+H <sub>2</sub>
Mg+O <sub>2</sub>	Ca+O <sub>2</sub>

IV. Ca va Mg tuzularidan elektroliz yo'li bilan olinadi.

SaCl	CaCl <sub>2</sub>
MgCl	MgCl

Venn diagrammasi:



O'qituvchi Ca va Mg elementlari S, H<sub>2</sub>O, HCl bilan kimyoviy reaksiyaga kirishini laboratoriya tajribalari orqali namoyish qilib beradi. Shundan so'ng uuda bajarish uchun topshirqlarni berib, o'quvchilarni bolaydi.

Saida NIZOMOVA,  
Toshkent shahridagi 28-maktabning  
kimyo fani o'qituvchisi

Maxsus ta'lim muassasalari pedagog xodimlarining yangi ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llay olishi, didaktik materiallarni o'quv tarbiya jarayoniga joriy etishi bugungi kunning muhim talabalaridan. Odadta imkoniyati cheklangan o'quvchilar ruhiyatida tortinchoqlik, hadiksirash, ko'pchilikka aralasholmaslik xususiyatlari bilan birga boshqalarga o'xshamaydigan shijoatni ko'rish mumkin. Shuning uchun o'qituvchining o'quvchilar ruhiyatini yaxshi anglisha ta'lim jarayonida ijobji natijaning jiddiy asosi hisoblanadi.

Interfaol ta'limda o'qituvchi va o'quvchi, tarbiyachi va tarbiyalanuvchi o'tasida o'zar o'mar, hamkorlik, hamfikrlik, hamjihatlik yuzaga keladi. O'zaro harakat esa birlashtirilgan faoliyat ma'nosini anglatadi. Interfaol mashg'ulotlarda o'quvchilar ma'lum darajada o'qituvchiga, guruh esa yagona o'zaro hamkor, hamjihat jamoaga aylanadi.

Ijtimoiy xarakterdagagi tarix, huquqshunoslik, milliy istiqloq g'oyasi va ma'naviyat asoslarini fanlarini o'qitishda kichik guruhda ishlash yoki juft holda ishlash kutilgan natijani beradi. Guruhlarda o'quvchilar soni kam bo'lganligi sababli, mashg'ulotlar sifatiga ijobji ta'sir ko'rsatadi.

## ISHONCH FAOLLIKKA UNDAYDI

Kollejimizda imkoniyati cheklangan o'quvchilarga kasb-hunar sirlari o'rgatiladi. 3-, 6-guruhlarda tikuvalchilar, 19-guruhda poyafzal ta'mirovchilar, 22-guruhda esa to'quvchilarga turli umumta'lim fanlardan dars beriladi. Ana shu guruhlarning barchasiga dastlabki o'quv yilida tarix fanidan dars o'tish jarayonida interfaol ko'rinishdagi "Klaster metodi", "Aqliy hujum", "O'zingni angla", "Bir-biridan ajratish" metodlaridan foydalaniib kelaman. Bu jarayonda o'quvchilarining faollashishini kuzatdim.

"Inson huquqlari va erkinliklari kafolatining yaratilishi" mavzusini o'tishda "Bir-biridan ajratish" usulini qo'lladim. O'quvchilar kichik guruhlarga bo'linishiadi. Ularning har biriga inson huquqlari bo'yicha so'z birkimlari solingan konvert targatiladi. Topshirig shunday: inson huquq va erkinliklari uch xiyl yo'nalishda saralanishi kerak.

Birinchisi — shaxsiy huquqlar, ikkinchisi — ijtimoiy-iqtisodiy huquqlar, uchinchisi — siyosiy huquqlar bo'lib, ular bir-biridan ajratib olinadi. Diqqat bilan kuzatib turdim, guruh a'zolari inson huquqlari va erkinliklarni uchta yo'nalishda to'g'ri ajratishdi. O'quvchilarining har birini rag'bat kartochkalari bilan taqdirladim.

"Aqliy hujum" metodida "Mustaqillik deganda nimani tushunasiz?" yoki "Mustaqillik uchun kurashgan ajoddarlarimizdan kimlarni bilasiz?" mazmunidagi savollarga o'quvchilarining mustaqil fikrini bilmogchi bo'dim. Buning uchun "Klaster" metodida o'quvchilar kichik guruhlarga bo'linib, savollar format qog'ozlarda targatiladi.

